
Иккинчи жаҳон урушида Фурқат туманидан 2032 нафар киши қатнашган...

Иккинчи жаҳон урушида Фурқат туманидан 2032 нафар киши қатнашган бўлса, атиги 220 нафари эсон-омон қайтиб келган холос... Афсуски, бугунги кунда уларнинг барчаси бу ёруғ оламни тарк этган.

Бугун Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан туман марказидаги Хотира майдонида иккинчи жаҳон урушида қурбон бўлган боболаримиз хотирасини ёдга олиш маросими ўтказилди.

Маросимда туман ҳокими Жаҳонгир Жуманов бошчилигида барча секторлар раҳбарлари, Мудофаа, Ички ишлар ходимлари, фахрийлар, жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

Тадбир аввалида барча иштирокчилар Хотира майдониغا гулдасталар қўйдилар. Шаҳид бўлган жангчилар ва барча ўтганларга бағишлаб, Қуръон оятларидан ўқилиб, дуо қилинди.

2023-05-08 20:07:19